

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бугун Халқаро хотин-қизлар куні-8 Март

азиз оналар, опа-сингиллар!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши,
№ 57 (13.617).

8 МАРТ
1967 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШЛАР

МОСКВА

ТОШКЕНТ

7-март Халқаро хотин-қизлар куні арафаси Кремлдаги Съездлар саройида Москва партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари-нинг тантанали йиғилиши бўлди.
Тантанали йиғилишга тақдир этилган чет эл делегациялари сўзига халқаро ва миллий хотин-қизлар ташкилотларининг раҳбарлари, беш қитъанинг атоқли жамоат арбоблари бор эди.
Г. И. Воронова, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Сузлов, А. Н. Шелестин, В. В. Гришина, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соколовцев ўртоқлар президиумда пайдо бўлганларидан элчи қизини қарсаклар бошланди.
Тантанали мажлиси Москва шаҳар Совети биринчи йомитети раисининг ўринбосари Е. Я. Просветова очди. У Халқаро хотин-қизлар куні — 8 Март муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига мурожаатини ўқиб эшиттирди. (ТАСС).

7 мартда Тошкентдаги қорхона ва муассасалар, партия ва жамоат ташкилотлари вакилларида икки мингга яқин киши чиройли қилиб безатилган Санъат саройига тўпланишди. Тантанали йиғилишнинг Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова қисқа кичик нутқни сўзлаб очди.
КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринининг аъзолари ва аъзоликка қандидатлар Р. Қурбонов, В. Р. Лоносов, Н. Г. Липченко, М. М. Мусахонов, Р. Н. Напиев, М. А. Абдураззоков, С. Р. Рахмонов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдуллин, республиканинг дондор хотин-қизлари — Ўрта Осиёда революцион ҳароқат қатнашчилари, ишлаб чиқариш новаторлари, бинокорлар, фан ва маданият арбоблари президиум столи ёнида ҳозир бўлдилар.

Йиғилишда «Таштекстильмаш» заводининг инструментчиси К. И. Коваленко, шоира Зуфия, «Главмострой» кранчиси М. Н. Рязанцева, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси Р. Х. Аминова, Калинин районидаги Карл Маркс номида колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Абдуллаев, қаҳрамон она М. Ойгураева, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси врач С. Г. Майндова, младший сержант Л. Н. Лебедев ва бошқалар табрик нутқлари сўзлашди. Улар ўз нутқларида коммунистик қурилишнинг барча участкаларида совет хотин-қизлари эришган муваффақиятлар ҳақида гапириб, меҳнаткаш хотин-қизлар тўғрисида гамхўрлик қилаётганларига учун жонажон партия ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилдилар, юбилей йилида олинган социалистик манбаурларни бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшаётган ўз ҳиссаларини қўлайтиришга ваъда бердилар.
Тантанали йиғилиш санъат уstadларининг катта концерти билан тугади. (ЎзТАГ).



Ёшлик! Дарёлардай жушқин, юксак тоғларсимон нурвиқор, оппоқ тоғ каби пок, ханда этган пул мисоли тўғил бу ном! Ҳа, бу ном фақат жаҳонда энг бахтиёр, ўз эрки, ҳуқуқига эга бўлган, бахти замон бахти билан чамбарасо боғлиқ совет ёшларига хос. Чехраларида бир олам севиш, шодлик жушиб турган бу дилбар қизлар Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмасининг ёш тикувчилари. Улар 8 Март байрамини муносиб меҳнат тўғралари билан қутиб олдилар. Суратда: ўз байрамларини қаршилагга пешвоз чиққан бахтиёрлар (чапдан) Д. Муҳамедова, М. Исмоилова ва З. Нурматовалар.

А. Тураев фотоси.

ЯНГИ БУЮК ЗАФАРЛАР САРИ

Сайловчиларнинг А. Н. КОСИГИН билан учрашуви

Москвадаги Фрунзе сайлов округи меҳнатқилларнинг вакиллари РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб қўрилган ишчилар, илмий ходимлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга катта ҳурмат қўйилганликлари учун қўш миннатдорчилик билдирди. Бу ишчи, деди у, КПСС мақсадлари ва сийасати ақс эттирганлиги билан ҳам айнича қардас ва қимматлидир. КПССнинг кучи эса бутун халқ билан маҳкам жипсликдадир.

Улуғ Октябрь бошлаб берган ишчи совет халқи, бошқа мамлакатларнинг неча юз миллионлаб кишилари муваффақиятли давом эттиришмоқдалар. Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқининг жасорати асрлар мобайнида порлаб, ҳозирги ва келажак авлодини янгида янги улуғвор муваффақиятлар сари йўл қўйилганлиги, деб бахр билан айтди.

А. Н. Косигин сўзга чиққан ўртоқларга ўз шайига айтган яхши сўзлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. Албатта, айтган яхши сўзларини даставвал бизнинг шонли ленинчи партиямизга, унинг Марказий Комитетига, Совет ҳукуматида тааллуқли эканлигига яхши тушунамиз, деди у. Ўз томонидан сизни ишонтириб айтманки, ишончингизни оқлаш учун бутун куч-қувватимни ва билимимни сарфлаяман.

Партиямизнинг бутун жамоат ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш йўлини тугатилган дастлабки самарали натижаларини берди, деб сўзини давом эттирди Совет ҳукуматининг бошлиғи. Совет ҳокимиятининг юбилей йили саноатда янги ютуқлар билан боғланди. Шу йилнинг январь ва февралдаги муваффақиятлари КПСС Марказий Комитети 1964 йил октябр Пленумидан сўнг партия ва ҳукуматимизга ўтказган ташкилий-ҳўжалик жиҳатдан қайта қуриш тadbирлари, партия қарорларидан руҳланган совет кишилари фидокорона меҳнатининг натижаси эканлиги шубҳасиздир.

Партия ва ҳукумат халқ турмуш даражасини кўтарин йўлини оғишмай ўтказиб келмоқдалар. Партиямизнинг XXIII съезиди

халқ турмуш даражасини кўтарин юзасидан қабул қилинган кенг программа ишчилик билан амалда оширилмоқда. Ҳозирги вақтда партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати шу беш йилликда тўла бажарилиши мўлжалланган программани назарда тутган ҳолда, ана шу программани амалда ошириш конкрет йўли ва муддатларини кўриб чиқмоқдалар.

А. Н. Косигин сўзлаган нутқда планлаштириш ва ҳўжаликни юртинининг ленинчи принциплари асос қилиб олинган мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот халқ ҳўжалигининг муваффақиятли ривожланишига яхши таъсир қўрсатаётганлигини айтиб ўтди.

Сўнгра А. Н. Косигин халқаро ахвол масалаларига тўхталиб, У. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати фазолининг ташқи сийёсий фаолиятларида тинчликни мустаҳкамлаш, тинч социалистик ва коммунистик қурилиш шароитларини таъминлаш манфаатларини ҳақиқат қўлаб қўллар ва қўлаб келмоқдалар, деди.

Социалистик мамлакатларнинг тараққий этилишида қарорли қудратли, уни ҳеч қачон тўхтаётган ислоҳотлар билан қўллаб қўллар, партия билан Совет ҳукуматимиз тинчлик, демократия, миллий мустақиллик, социализм ва коммунизм қурилишида олжанов мансаблар учун империализмга қарши курашган барча қудратларини ҳаққон билдиришга буюдан бую ҳаққон эришди.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ 8 МАРТ МУНОСАБАТИ
БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз хотин-қиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизларни халқаро хотин-қизлар куні 8 Март билан—тенг ҳуқуқлилик учун, демократия ва социализм, халқлар озолиги ва миллий мустақиллиги учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда хотин-қизларнинг бирдамлик байрами билан чин кўнгилдан қизгин қўлайди.

Бизнинг мамлакатимизда 8 Март куні халқнинг севимли байрамларидан бири бўлиб қолди, мана шунинг ўзи ҳам совет жамиятида хотин-қизларга ҳурмат, нақадар катта эканлигини кўрсатуви ёрқин далилларнинг биридир.

Бу йил Ватанимиз Улуғ Октябр социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонлайди. Шонли юбилей халқаро хотин-қизлар кунига ҳам алоҳида аҳамият бахш этади. Октябр революциясининг галабаси хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигига чек қўйди, уларни қулликдан озод қилиб, ижтимоий, иқтисодий фаолиятнинг кенг йўлига чиқариб қўйди, хотин-қизларнинг истеъдодлари ва қобилиятларини ривожлантирмоқ учун кенг имкониятлар очиб берди. Урушнинг дахшатли йилларида ҳам, тинч қурилиш йилларида ҳам совет хотин-қизлари эркаклар билан бирга мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Ватан бахт-салоати йўлида, коммунизм тантанаси учун фидокорона ва қаттиқ туриб меҳнат қилдилар ва меҳнат қилмоқдалар. Улар жаҳонда биринчи социалистик тузум бунёдкорлари зиммасига тушган ҳамма қийинчиликлар ва синовларга бардош бердилар.

Мамлакатимиз хотин-қизлари социализм шароитида эркин ва тенг ҳуқуқли, мағрур ва жасур, ўқимшли ва актив, ўз келажакига ишонган ва бахтиёр кишилар бўлиб қолдилар. Бутун дунёнинг миллион-миллион меҳнаткаш хотин-қизлари уларга қойил қолмоқдалар, уларга тақдир қилмоқдалар, уларга тенглашмоқдалар.

СССРда хотин-қизларнинг ўз қайратлари ва ташаббусларини кўрсатишлари учун кенг майдон очиб берилди. Саноат ва қишлоқ ҳўжалигида, фан, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларида, адабиёт ва санъатда, спорт ташкилотларида ва бошқалар муассасаларида миллион-миллион совет меҳнаткаш-хотин-қизлари ишлаб турибди. Уларнинг истеъдоди, ўткир эҳти, тежамкорлик, гамхўрлик билан қилаётган иши ҳамма жойда, коммунистик қурилишнинг ҳар бир участкасида сезилиб турибди.

Совет хотин-қизлари Владимир Ильич Ленин васиятларини бажо келтириб, барча давлат ишларида совет қонунларини, халқ ҳўжалиги ва маданиятини ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, партия ва Совет ҳокимиятининг ички ва ташқи сийёсатини амалда оширишда эркаклар билан баббаравар актив қатнашмоқдалар. Партия съездлари ва конференцияларида, СССР Олий Советига, иттифодош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий Советларга юз минглаб хотин-қизлар сайланмоқда.

Бизнинг аёлларимиз ўз ўғиллари ва қизларини совет кишиларига хос энг яхши фазилатларга эга қилиб — коммунизм идеалларига садоқатли, юксак даражада сийёсий онгли, меҳнатсевар, коллективизм руҳига берилган, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм руҳи билан сугорилган кишилар қилиб тарбиялamoқдалар ва қамолга етказмоқдалар.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати хотин-қизларнинг турмуши яхши ва тўғал бўлиши, деб ҳаммиса гамхўрлик қилмоқдалар, уларнинг маънавий талабларини тўлиқроқ қондиришга интиломоқдалар. Уй-жой-маиший шароит йилдан-йилга яхшиланмоқда, болалар боғчалари ва яшлари тобора кўпайтирилмоқда, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш таъминлаштирилмоқда. Совет сийлеси муттасил мустаҳкамланмоқда, коммунистик ахлоқ принциплари ҳаётиямизга тобора чуқур сингиб бормоқда.

Халқаро хотин-қизлар ҳаракатида совет хотин-қизларининг роли катта. Уларнинг бутун дунёдаги прогрессив хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Совет Иттифоқи хотин-қизлари ҳақсизлик ва қашшоқликка қарши, озолиги ва мустақиллик учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик бўлиш учун, болаларнинг бахтли бўлиши учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар, улар Американинг Вьетнамдаги босқинчилик агрессиясига, империалистларнинг инсониятни янги жаҳон уруши қатъига ташлашга қаратилган уринишларига кескин қарши чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети шу нарсасга гоят амқидирки, совет хотин-қизлари партия XXIII съездининг қарорларини амалда ошириш учун бутун халқ билан биргаликда бундан буюн ҳам хормай-толмай курашаберишди, Ватанимиз қудратини ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан мустаҳкамлаб беришди, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини саноат ва қишлоқ ҳўжалигида, фан ва маданиятда янгида янги муваффақиятлар билан қутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизларига даъват қилиб шундай айтдики:

- Марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи эстида, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида тагин ҳам маҳкамроқ жипслишингиз;
 - Коммунизм қурувчиларининг, тинчлик учун актив курашчиларининг биринчи сафларида бўлингиз;
 - Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хотин-қизлари билан қалин дўстлиқни ҳаммиса мустаҳкамлашгиз, меҳнат, ижтимоий, фаолият ва болаларни тарбиялашдаги тажрибаларни улар билан ўртоқлашингиз;
 - Жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткаш хотин-қизлари билан интернационал алоқаларни хормай-толмай мустаҳкамлашгиз.
- КПСС Марказий Комитети совет хотин-қизларига меҳнатда, давлат ва ижтимоий фаолиятда иқтисодий муваффақиятлар, турмушда катта бахт-саодат тилаб қизгин истак билдиради.
- Яшасин совет хотин-қизларига озолиги, тенг ҳуқуқлилик ва бахт-саодат келтирган Улуғ Октябр!
- Совет хотин-қизларига шон ва шарафлар!
- Яшасин бутун ер юзидеги меҳнаткаш хотин-қизлар!
- Яшасин Халқаро хотин-қизлар куні 8 Март!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

